



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЎҚУВ РЕЖАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАТБИҚ ЭТИШ ТАРТИБИ

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалар "Олий таълим Давлат таълим стандарти. Асосий қондалар"га мувофиқ ишлаб чиқилади. Бу борада қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

1. **I. Ўқув жараёни жадвали.** Бунда ўқув жараёни ҳафталар, назарий ва амалий таълим, аттестациялар, малакавий ва педагогик амалиёт, якуний давлат аттестациялари ҳафталар сони жадвал шаклда келтирилади.

2. **II. Ўқув режаси.** Бунда:

- **ўқув фан блоклари** (мажбурий ва танлов фанлари) мантикий кетмакетликда белгиланади;

- **ўқув юклама.** Ҳар бир фан бўйича умумий юклама ҳажми, аудитория машғулотлари соатларда, яъни маъруза, амалий машғулот, лаборатория иши, семинар машғулотлари, курс иши ва мустақил таълим соатлари келтирилади;

- **соатларнинг курс, семестр ва ҳафталар бўйича тақсимоти.** Ҳар бир фаннинг курслар кесимидаги ҳафталар сони, семестрдаги аудитория машғулотлари ҳафталарининг сони, ҳамда семестрлар кесимида ҳар бир фаннинг ҳафталик соатлари келтирилади;

- **кредитларнинг курс, семестр ва ҳафталар бўйича тақсимоти.** Ҳар бир фаннинг соатларидан келиб чиққан ҳолда курс, семестрлар кесимида кредитлар миқдори белгиланилади.

4. Ўқув жараёнини таркибий қисмлари бўйича жадвал кўринишида ҳафталар сони ва семестрлар бўйича аниқ маълумотлар келтирилади.

5. Ўқув режалар тегиши ихтисослашган кафедралар ва ўқув бўлим (бошқарма) томонидан ишлаб чиқилганидан сўнг кафедра мудирини, ўқув бўлиминини бошлиғини, ўқув ишлар бўйича проректор томонидан, шунингдек, кадрлар буюртмачи ташкилот, корхона ва муассасалар томонидан имзоланади ҳамда олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланади.

Мисол сифатида 60530900 - Физика таълим йўналиши бўйича ўқув режа илова қилинади.

Шуно:

1. 1 кредит 30 академик соатни ташкил қилади.
2. Харбий тайёрловлик машғулотлари ташлов фойдалари блокига киритиллади, харбий йилни эса ташкил вақти ҳисобига ўтказиллади.
3. Курс лойиҳа, курс ишлари ушун талабга мувофиқ ташкил соатларидан 30 академик соатни ажратган ҳолда 1 кредит бериллади.
4. Якуний давлат аттестацияси муваффақият билан тўғри тартибда битирув маълумоти ишнинг ҳамоқ қилиш ҳам қилади.
5. Ўқув режани қайтадан иқтисодиётқа оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда бошқарув ташкилот ва кормоналарда ўтказиллади.
6. Назария ва амалиёт қилини таъминлаш учун ташаббусларнинг маълумоти амалиётлари бошқарув ташкилот ва кормоналарда ўтказиллади.

Ўқув жараёнининг тарқибий қисмлари	Хафталар сони	Семестр	Давлат аттестацияси
Назарий ва амалий таълим	120	1-8	Битирув маълумоти ишнинг ҳамоқ қилиш ёки иқтисодиёт фанларидан Давлат аттестацияси
Маълумоти амалиёт	13	4,6,7,8	
Аттестациялар	18	1-8	
Якуний давлат аттестациялари	6	8	
Таълиқлар	45	1-8	
Кредит таълим тизимига қириш	2	1	
Жами	204		

ЎзМУ ўқув ишлари бўйича биринчи профессор

Ўқув бўлими бошлиғи

“Физика” кафедраси мўдари

Қадрлар буюртмачиси:

ЎзР ФА Ядро физикаси институтини директори

1.02	MTSS1203	Махсус темирбетон конструкциялари	120		60	30	30	30	60	4														4
1.03	...	Махсус фонларни ўқитиш методikasi	120		60	30	30	30	60		4													4
1.04		Қурилиш конструкцияларини хисоблашни автоматлаштириш	300		120	30	90	90	180		6		6											10
1.05		Бионо ва иншоотлар конструкцияларини шикастланган сабаблари ва бузилаш оқибатлари	120		60	30	30	30	60		4													4
1.06		Махсус металл конструкциялар	120		60	30	30	30	60		4													4
		Европа Иттифоқи мезъорларига мувофиқ қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш асослари (Еврокодалар)	300		120	60	60	60	180		4		6											10
2.00		Танлов фанлари	600		300	150	150		300		10		6											20
2.01		Жами:	1800		840	390	450		960		24		12											60
			1800		810				990		6		18											60
3.00		Илмий фанлар																						
3.01		Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда химов юзлаш	900		510				390		4		4											30
3.02		Илмий-педагогик иш	420		165				255		2		4											14
3.03		Илмий амалиёт (тажриба орттириш)	480		135				345				10											16
		ҲАММАСИ:	3600		1650	390	450		1950		30		30											120

ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ:

Магистрлик диссертациясини химов қилиш

Изоҳ:

1. 1 кредит 30 академик соатни ташкил қилади.
2. Курс лойиҳа, курс ишлари учун талабага мустақил таълим соатларидан 30 академик соатни ажратган ҳолда 1 кредит берилди.
3. Яқиний давлат аттестациясини мудатлари таркибига магистрлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда химов қилиш кирди.
4. Илмий амалиёт ва тажриба орттириш учун олий таълим, илмий тадқиқот муассасалари ҳамда базавий таълим ва корхоналарида ўтказилади.

ТАҚИ Ўқув ишлари бўйича профектори _____

Ўқув бўлими бошлиғи _____

“Қурилиш конструкциялар” кафедраси муллари _____

Қалрлар буюртмачилари:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиғи _____

“Ўзгирсановатлобиха” А.Ж. директор ўринбосари _____

“Тошпрогор” А.Ж. директор ўринбосари _____

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ БАКАЛАВРИАТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги ўқув дастурлари (силлабуслар) “Олий таълим Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”га мувофиқ ишлаб чиқилади. Бу борада қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим.

1. **Зарварак** (титул варағи)да вазирлик ва олий таълим муассасаси, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ тегишли билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиш (мутахассислик)ларнинг коди ва номлари, ўқув режага мувофиқ фаннинг тўлиқ номи, тасдиқланган саналари ва белгилари кўрсатилади.

2. **Фанинг мазмуни.** Бунда ўқув фанининг мақсади ва унинг асосий вазифалари тегишли йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш вазифаларига боғланган ҳолда баён этилади.

3. **Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари).** Ўқув фанининг мавзулари мантикий кетма-кетликда келтирилади. Асосий назарий қисм модуллар шаклида берилиши мумкин.

4. **Амалиёт, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар.** Ўқув фанининг моҳияти ва назарий мавзуларига мос равишда амалий, семинар ва лаборатория машғулотларининг мавзулари келтирилади.

5. **Мустақил таълим ва мустақил ишлар.** Мазкур қисмда мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни, мустақил ишга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар келтирилади.

6. **Таълим натижалари / Касбий компетенциялари.** Мазкур қисмда таълим йўналишига мувофиқ муаян фан бўйича талаба эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар баён қилинади.

7. **Таълим технологиялари ва методлари.** Мазкур қисмда таълим йўналишига мувофиқ муаян фан бўйича машғулотларни ташкил қилиш ва ўтиш методлари ва технологиялари қисқа кўринишда кўрсатилади.

8. **Кредитларни олиш учун талаблар.** Бунда фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри ақс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралик назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни

бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш бўйича кўрсатмалар келтирилади.

9. **Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари.** Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхатини келтиришда замонавий хорижий ва маҳаллий адабиётлардан, Интернет, турли ахборот коммуникация ресурсларидан, ҳимоя қилинган диссертациялар, монография ҳамда бошқа ўқув, илмий ва услубий маълумотлар келтирилади.

10. Ўқув дастурининг **охирги бетида** ўқув дастурини ишлаб чиққан олий таълим муассасаси номи, тузувчилар исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва унвонлари, тақризчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, ўқув дастури кўриб чиқилган олий таълим муассасаси кенгаши баёнининг рақами ва санасилари келтирилади.

Ўқув дастурининг матни А-4 форматли стандарт варақларда, Times New Roman шрифтининг 14-ўлчамида, 1,15 интервалда, чап ва ўнг томонидан – 20, пастидан – 25, юқоридан – 20 мм ўлчамида хошияланган ҳолатда бостириб чиқарилади. Бетларни рақамлаш пастки қисмининг марказида жойлаштирилади.

Ўқув дастурини расмийлаштириш, тарқатиш ва саклаш учун А5 форматдаги “китобча” шаклида бостириб чиқариш мақсадга мувофиқ.

Мисол сифатида “Глобал иқтисодий ривожланиш” фани бўйича ўқув дастури илова қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

(ОТМ ректори)

202__ йил “__” _____

ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	300 000 – Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот.
Таълим соҳаси:	310 000 – Ижтимоий ва ҳуқ атворга оид фанлар; 320 000 – Журналистика ва ахборот.
Таълим йўналиши:	60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича); 60320100 – Журналистика.

Фан/модуль коди MBIAF	Ўқув йили 2021-2022	Семестр 2	Кредитлар 8	
Фан/модуль тури Мажбурий	Таълим тили Ўзбек/рус		Хафтадаги дарс соатлари 8	
1.	Фаннинг номи	Аудитория машғулоти (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Глобал иқтисодий ривожланиш	132	96	228
2.	<p>I. Фаннинг мазмуни</p> <p>Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга глобал иқтисодий ривожланиш бўйича билимларнинг назарий асосларини, глобал иқтисодиётнинг асосий тушунчалари ва категорияларини, глобал даражада амал қилувчи иқтисодий қонунлар ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.</p> <p>Фаннинг вазифаси - назарий билимлар, амалий кўникмалар, глобал даражадаги иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндошув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш, қонунлар ва категориялар мазмун-моҳиятини билиш, уларга нисбатан шахсий муносабатни шакллантириш орқали инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш.</p> <p>II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)</p> <p>II.1. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:</p> <p>1-мавзу. “Глобал иқтисодий ривожланиш” фаннинг предмети ва вазифалари</p> <p>“Глобал иқтисодий ривожланиш” фаннинг предмети ва услублари. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви объекти ва субъекти. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари ва даражалари.</p> <p>2-мавзу. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашуви концепцияларининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва йўналишлари</p> <p>Глобаллашувга бағишланган илмий қарашларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Глобаллашув назарияларининг ривожланиш босқичлари.</p> <p>3-мавзу. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашувининг ҳаракатлантирувчи кучлари, белгилари ва шакллари. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашув омиллари ва ривожланиш босқичлари</p> <p>Жаҳон иқтисодиётни глобаллашувини ҳаракатлантирувчи кучлари:</p>			

капиталнинг концентрациялашуви ва марказлашуви, хўжалик ҳаёти транснационаллашуви – йирик трансмиллий компаниялар ва молия гуруҳларининг ривожланиши, жаҳон ва миллий даражадаги бозор рақобати, фан техника тараққиёти, технологик инновация тараққиёти, хўжалик ҳаётининг эркинлашуви, товар, хизмат ва капитал бозорларини тартибга солишнинг қисқариши. Жаҳон хўжалиги эркинлашуви жараёнининг кучайиши. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий механизмлари.

4-мавзу. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашув муаммолари ва уларнинг гуруҳланиши

Глобал муаммолар. Глобал муаммоларнинг белгилари. Глобал муаммоларнинг гуруҳланиши. Сиёсий глобал муаммолар (тинчликни сақлаш, қуролсизланиш ва конверсия, маҳаллий урушлар ва низолар, халқаро терроризм, ёпиқ мамлакатлар). Иқтисодий глобал муаммолар (трансмиллий капитал, иқтисодий урушлар ва низолар, ривожланаётган мамлакатлар қолоқлигининг кучайиши, демографик глобал муаммолар (ривожланаётган мамлакатлардаги демографик портлашлар, аҳоли ортиқчилиги, тараққий этган мамлакатларда аҳоли сони қисқариши, аҳоли қариши, миграция). Шимол-Жануб, халқаро қарздорлик, молиявий-иқтисодий инқирозлар.

5-мавзу.

III. Амалий машғулоти буйича кўрсатма ва тавсиялар

(Лаборатория ишлари), (Семинар машғулоти), (Курс иши),

(Мустақил таълим) ўқув режада кўрсатилган тури (номи) бўйича ёзилади)

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви тўғрисидаги илмий концепциялар асосий йўналишлари.
2. XX аср бошларида Жаҳон иқтисодиётини глобаллашув назарияларини трансформациялашуви ва хусусиятлари.
3. Глобаллашув жараёнини ривожланиш йўналишлари: бозорларни глобаллашуви ва товарларни глобаллашуви.
4.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

	<p>1. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви тўғрисидаги илмий концепциялар асосий йўналишлари.</p> <p>2. XX аср бошларида Жаҳон иқтисодиётини глобаллашув назарияларини трансформациялашуви ва хусусиятлари.</p> <p>3. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашув жараёнларини вужудга келиш ва ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар.</p> <p>4. Глобаллашув жараёнини ривожланиш йўналишлари: бозорларни глобаллашуви ва товарларни глобаллашуви.</p> <p>5.</p> <p>Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.</p>
3.	<p style="text-align: center;">V. Таълим натижалари / Касбий компетенциялари</p> <p>Талаба билиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> • глобал иқтисодий ривожланиш тушунчаси ва асослари, иқтисодий ривожланиш омиллари, иқтисодий ривожланиш назариялари ҳақида тасаввурга эга бўлиши; (билим) • глобал иқтисодий ривожланиш назариялари асосларини, иқтисодий ривожланиш қонунлари, асосий тушунчалар, иқтисодий жараёнларнинг хусусиятларини билиши ва улардан фойдалана олиши; (қўникма) • талаба глобал иқтисодий ривожланиш жараёнларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш, иқтисодий ривожланиш муаммолари бўйича ечимлар қабул қилиш қўникмаларига эга бўлиши керак. (малака)
4.	<p style="text-align: center;">VI. Таълим технологиялари ва методлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маърузалар; • интерфаол кейс-стадилар; • семинарлар (манتيкий фиклаш, тезкор савол-жавоблар); • гуруҳларда ишлаш; • тақдимотларни қилиш; • индивидуал лойиҳалар; • жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.
5.	<p style="text-align: center;">VII. Кредитларни олиш учун талаблар:</p> <p>жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни муваффақиятли топшириш.</p>
6.	<p style="text-align: center;">Асосий адабиётлар</p> <p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари</p>

	<p>тўғрисида”ги ПҚ-4300 – сон қарори. lex.uz</p> <ol style="list-style-type: none"> 2. Глобальная экономика в XXI веке: диалектика идеалов и реалии конфронтации: колл. авторов: под ред. М.Л.Альпидовской, А.Г.Грязновой, О.В.Карамовой, Д.П.Соколова. - Москва: РУСАЙНС, 2017. - 154 с.; 3. Юсупов Р.А., Топилдиев С.Р., Ганиев Б.З. Глобал иқтисодий ривожланиш. Ўқув қўлланма. -Тошкент, Иқтисод, 2019. -170 с.; 4. Abdullayev S.A., Xajiyev B.D., Mambetjanov Q.Q. O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish strategiyasi. Darslik. – T.: “Barkamol fayz media”, 2018. – 424 bet; <p>Қўшимча адабиётлар</p> <ol style="list-style-type: none"> 5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б. 6. Todaro, Michael P. Economic development / Michael P.Todaro, New York University, Stephen C.Smith, The George Washington University. -Twelfth Edition, Pearson Education, Inc. New Jersey, USA, 2015. -891 p.; 7. Ahmedov D., Zahidov G., Xajiyev B., Mambetjanov Q. Iqtisodiy rivojlanish nazariyasi. Darslik. T.: Innovatsion rivojlanish nashriyoti matbaa uyi, 2018. 378 bet; 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5598-сон Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 й., 06/18/5598/2313-сон) 9. Чумаков А.Н. Глобализация контуры целостного мира. М.: Проспект, 2009.-432 с.; 10.Под общей редакцией: В.Н.Зуева. Глобальное экономическое регулирование: учебник. М.: Магистр, 2013; 11.Хажиев Б.Д., Юсупов Р.А., Шарипов Қ.Б. “Глобал иқтисодий ривожланиш” фани бўйича ўқув-услугий мажмуа.- Тошкент: ТДИУ, 2019, -132 бет. <p>Ахборот манбаалари</p> <ol style="list-style-type: none"> 12. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали. 13. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 14. www.tradingeconomics.com – экономические показатели
7.	<p>Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.</p>
8.	<p>Фан/модуль учун маъсулар: Б.Д. Хажиев - ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент Б.Э. Мамарахимов - ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти,</p>

	иқтисод фанлари номзоди
9.	<p>Такризчилар:</p> <p>Т.Т. Жўраев - ТМИ, “Иқтисодиёт” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор (турдош ОТМ)</p> <p>П.З. Ҳошимов - ЎзМУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент (турдош ОТМ).</p>

